



**"INTERNET VA AXBOROT-KUTUBXONA RESURSLARIDAN FAN,  
TA`LIM, MADANIYAT VA BIZNES SOHALARIDA FOYDALANISH"**

**«ИНТЕРНЕТ И ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ В НАУКЕ, ОБРАЗОВАНИИ, КУЛЬТУРЕ И БИЗНЕСЕ»**  
**"INTERNET, INFORMATION AND LIBRARY RESOURCES IN SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND BUSINESS"**

# Central Asia



**SAMARQAND**

21.04 – 23.04.2016


*X Xalqaro konferensiya*  
*X Международная конференция*  
*X International Conference*

## **FAN, TA`LIM, MADANIYAT VA BIZNESDA INTERNET VA AXBOROT-KUTUBXONA RESURSLARI**

### **ИНТЕРНЕТ И ИНФОРМАЦИОННО- БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ В НАУКЕ, ОБРАЗОВАНИИ, КУЛЬТУРЕ И БИЗНЕСЕ**

### **INTERNET, INFORMATION AND LIBRARY RESOURCES IN SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND BUSINESS**

*Konferensiya materiallari*  
*Материалы конференции*  
*Conference Proceedings*



## ТАЛАБА-ЁШЛАР ВА АХОЛИНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИГА КАТНОВ КЎРСАТКИЧИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Манзура Абжамова,  
Нодира Эргашева

В данной статье актуальные вопросы сегодняшнего дня: увеличение количества пользователей Информационно-ресурсного центра и Информационно-библиотечного центра, об эффективных способах привлечения их к чтению книг.

*In this article says topical issues of today: increase in number of users of the Information-resource center and Information library center, about effective ways of attraction them to reading books.*

Муллола инсонни билимдонлик сари,  
сўхбат тоққирлик сари етаклайди.

Фрэнсис Бэкон

Хар қанча техника тараққиёти бўлмасин, ахборот-ресурс турлари кўпаймасин, китоб мутолааси инсон онту-шуурита таъсири ва тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ягоналигича қолаверади. Шу боис босма нашрларни ўқувчилар сонини ошириш, ўсиб келатган ёш авлоднинг китобларга қизиқишини уйғотиш, нашр этилатган ранг-баранг кўринишдаги турли адабиётларнинг ўз фойдаланувчиларини топшипта эришиш бўлувчи куннинг муҳим талабидир.

«Ахборот» — иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот [1]. «Ресурс» — (фр. resourse — ёрдамчи восита, усул; пул маблага) инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд захираси [2]. «Марказ» (ар. ўрталик, ўрта ер, ҳолат, мавқе, вазият) сўзининг бош маъноси геометрик шаклнинг ўқ чизиқлари кесилмаган, гео-

метрик ёки физик нисбатларнинг ўрта нуқтаси деб, таъриф берилган бўлса, кўчма маъноси аҳамияти, моҳияти ва шу қабилар жиҳатдан асос, асосий ҳисобланувчи жой, қисм, ўрин[3] дея изоҳланган. Демак, Ахборот-ресурс маркази аънавий кутубхона хизмат кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан хизмат кўрсатиш ва зифасини бажаради.

АРМ фаолияти аҳолини ахборот билан таъминлаш учун кераклик шарт-шароитлар яратиб бериш, ўсиб келатган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий меросимизни сақлаб қолишга йўналтирилган. Таъкидлаш жоизки, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида Навоий давлат кончилиги институту (НДКИ) ахборот-ресурс марказининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқаро таърибани ва кутубхона фойдаланувчиларининг энг аввало, талабаларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ўқув залларининг ихтисослашуви ва жойлаштириш таъминоти, ўқув залларининг ихтисослаштирилган электрон кутубхона зали, мультимедиа технологиялари зали ташкил этилди, барча залларда Интернет тармоғидан фойдаланиш таъминланди.

Бўлувчи кунда адабиётларни ўқишга қорлаш, ёшларни мутолаага қизиқтириш масаласи глобал муаммага айланиб бормоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Ахборот-ресурс марказарида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ойнинг энг яхши китобхонини эълон қилиб бориш. Замонавий юқори самаралдор ахборот-компьютер технологияларининг кенг имкониятларга эга кўринишлари яратилиши билан ҳар бир соҳада янгилиниш ва ривожланишлар кузатишмоқда. АРМда кенг ҳажмли электрон досканинг ёки мониторингнинг мавжудлиги китобхонларни жалб этишнинг яна бир замонавий усулини беради. Бундай электрон мониторларда мунтазам равишда ҳар ой якунида таълим муассасаси-

## ТАЛАБА-ЁШЛАР ВА АҲОЛИНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИГА КАТНОВ КЎРСАТКИЧИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Манзура Абжадова,  
Нодира Эргашева

В данной статье актуальные вопросы сегодняшнего дня: увеличение количества пользователей Информационно-ресурсного центра и Информационно-библиотечного центра, об эффективных способах привлечения их к чтению книг.

*In this article says topical issues of today: increase in number of users of the Information-resource center and Information library center, about effective ways of attraction them to reading books.*

*Мутолаа инсонни билимдонлик сари,  
сўхбат тоққирлик сари етказайди.*

Френсис Бэкон

Хар қанча техника тараққиёти бўлмасин, ахборот-ресурс турлари кўпаймасин, китоб мутолааси инсон онту-шуурига таъсири ва тарбиявий аҳамияти жиҳатидан ягоналигича қолаверади. Шۇ боис босма нашрларни ўқувчилар сонини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг китобларга қизиқишини ўйгоштиш, нашр этилаётган ранг-баранг кўринишдаги турли адабиётларнинг ўз фойдаланувчиларини топишга эришиш бутунги куннинг муҳим талабидир.

«Ахборот» — иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот [1]. «Ресурс» — (фр. resourse — ёрдамчи восита, усул; пул маблаг) инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд заҳираси [2]. «Марказ» (ар. ўрталик, ўрта ер; ҳолат, мавқе, вазият) сўзининг бош маъноси геометрик шаклнинг ўқ чизиқлари кесишадиган, гео-

метрик ёки физик нисбатларнинг ўрта нуқтаси деб, таъриф берилган бўлса, кўчма маъноси аҳамияти, моҳияти ва шۇ қабилар жиҳатдан асос, асосий ҳисобланувчи жой, қисм, ўрин[3] дея изоҳланган. Демак, Ахборот-ресурс маркази анъанавий кутубхона хизмат кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан хизмат кўрсатиш ва-зифасини бажаради.

АРМ фаолияти аҳолини ахборот билан таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб бериш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий меросимизни сақлаб қолишга йўналтирилган. Таъкидлаш жоизки, замонавий ахборот-коммуникация технологиларини жорий этиш асосида Навоий давлат қончилиқ институтги (НДКИ) ахборот-ресурс марказининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳалқаро тажрибани ва кутубхона фойдаланувчиларининг энг аввало, талабаларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ўқув залларининг ихтисослашуви ва жойлаштириш таъминоти қўрилди. Ихтисослаштирилган электрон кутубхона зали, мультимедиа технологиялари зали ташкил этилди, барча залларда Интернет тармоғидан фойдаланиш таъминланди.

Бутунги кунда адабиётларни ўқишга қорлаш, ёшларни мутолаага қизиқтириш масаласи глобал муаммага айланиб бормоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Ахборот-ресурс марказларида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ойнинг энг яхши китобхонини эълон қилиб бориш. Замонавий юқори самарадор ахборот-компьютер технологияларининг кенг имкониятларга эга кўринишлари яратилиши билан ҳар бир соҳада янгилаштириш ва ривожланишлар кузатишмоқда. АРМда кенг ҳажмли электрон докянинг ёки мониторингнинг мавжудлиги китобхонларни жалб этишнинг яна бир замонавий усулини беради. Бундай электрон мониторингларда мунтазам равишда ҳар ой якунида таълим муассасаси-

даги энг яхши китобхоннинг исм-шарифини эълон қилиш орқали талаба-ёшларнинг ўзларига ишонч, адабиётга меҳр ва кўнглида ифтихор туйғусини кучайтиради.

2. Ташриф буюрмаётган талабаларга тақлиф матнини юбориш. Бунда кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган мобил алоқа ва глобал Интернет тармоғидан унумли фойдаланилади. Ахборот-ресурс марказига аъзо бўлаётган китобхоннинг формуляри қайта такомиллаштирилиб, китобхоннинг телефон рақами ва электрон почта манзили ёзиб олинади. Белгиланган муддатгача АРМга ташриф буюрмаётган китобхонларнинг мобил тизимидаги Telegram, What's up, Instagram орқали ёки электрон почта манзилига тақлиф матни юборилади. Масалан, «*Хурматли китобхон! Навоий давлат кончилиқ институтини Ахборот-ресурс маркази маъмурияти сизни янги им-кониятлардан боҳабар бўлишингиз учун марказга ташриф буюришингизни сўрайди.*»

3. Янги келган адабиётларни ўқишга чорлаш. Республика-миз таълим муассасаларида мавжуд радиолоқа бу борада энг яхши восита ҳисобланади. Кундалик радиодастурлар орқалигида АРМга келтирилган янги адабиётлардаги қизиқарли сатрларни мутолаа қилиб, талабаларда уларни ўқишга қизиқишларини ошириш лозим. Масалан, «*Сўз, нутқ — рух, қоши ичидаги жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил фақат алоқа курали, бебахо неъматгина эмас, балки азоб-изтироблар манбаи ҳамдир. Тил эҳтиётчи, одоби бўзилса «ҳалок эмасди»[4]. Хурматли китобхонлар! Сўз фазилати ва улус шоир Ҳазрат Навоийнинг боқий сатрлари нозасидан ёзилган илмий-иҷодий фикрлар билан янда кўпроқ таништи учун сизларга Навоий давлат кончилиқ институтини Ахборот-ресурс марказига янги қабул қилинган «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан нашр этилган «Адабият гулшани» (2-китоб) китобини ўқишни тавсия этамиз.*

«Мутахассис кўнгли»да соҳага оид китоблар тақдими-ни ўтказиб туриш. Ҳар бир таълим даргоҳида йўналишлар мавжуд. Йўналиш ва соҳа фидойиларини рағбатлантириш мақсадида мавлуд кўнлар уларга бағишланади. Масалан, «Кончилиқ ва металлургия санаяти ходимлари кўни» муносабати

билан институтда шу соҳага оид китоблар тақдими-ни ўтказиб мақсадга мувофиқ. Бу борада НДКИ ва Навоий кончилиқ-таллургия комбинати (НКМК) ҳамкорлигида мутахассислик-ка оид нашрларнинг электрон кўринишини фойдаланувчи-ларга етказиб туриш мақсадида НКМК таълим портали яра-тилган.

Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини тубдан яхшилаш, хизмат кўрсатиш маданийтини кўтариш орқали китобхон со-нини кўпайтириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш бўлгани кўннинг энг муҳим талабига айланди. Жамиятнинг маънавий бойлигини ошириш, ҳар бир миллат вакилини она юртига садоқатли, муносиб фарзанд сифатида тарбиялаш, жаҳон фан-техникаси ютуқлари билан аҳолини таништириш, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, мав-жуд муносабатларни мустаҳкамлашда Ахборот-ресурс маркази фаолиятининг ўрни беқийёсдир. Шу боис АРМ ходимлари зиммасидаги улкан вазифа — ҳар бир китобхоннинг маънавий камол топиши ва соҳа мутахассиси сифатида етишиб чиқи-шида муносиб ҳисса кўпишдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, 2006, Б.119.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, 2006, Б.379.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, 2006, Б.545.
4. Адабият гулшани. Тошкент, 2016. Б.25.